ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАДУСТОВ РУСТАМ ДЖОНМУРОТОВИЧ

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗНИНГ КАПИТАЛ ОҚИМИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt207 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ҳамда «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бурханов Умар Абдуалимович** иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Жумаев Нодир Хосиятович** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Халиков Улуғбек Рустамович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги сўнгги молиявий инқироз шароитида мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим молиявий манбаи бўлган хорижий инвестициялар ҳажмида жиддий таркибий ўзгаришлар юз берди. Молия бозорларида рискларнинг ошиши, банк ликвидлиги пасайиши, ривожланган бозорларда давлат молияси билан боғлиқ муаммолар халқаро капитал оқимлари қисқаришига сабаб бўлди. Шунингдек, халқаро инвесторлар томонидан рискларни ҳудудлар бўйича диверсификация қилиш ва юқори даромад олишга интилиш натижасида хорижий инвестициялар оқими йўналишида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Яъни ривожланган мамлакатларга инвестициялар миқдори қисқариб, тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларга хорижий инвестициялар оқимининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2017 йилда глобал инвестиция оқимлари қарийб 1,8 трлн. АҚШ долл.гача етди, лекин 2007 йилдаги рекорд даражадан паст бўлиб қолди. Бу жонланишга сиёсий тарқоқлик ва геосиёсий хатарлар, шунингдек солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар халақит бериб, улар халқаро инвестиция оқимларига жиддий таъсир этиши мумкин[1].

Тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларга инвестиция оқимларининг ортиб бориши жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирозларнинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш замонавий усулларининг жорий этилишини тақозо этади. Капитал оқими ва инвестицияларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мавжуд эканлиги Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан ишлаб чиқилган молиявий-иқтисодий инқирозларнинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш моделларини ўрганиш ва таҳлил қилиш зарурлигини келтириб чиқаради. Жаҳон бозоридаги капитал ва инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши, айрим мамлакатларда эса капиталларнинг етишмовчилигида инқирозларнинг оқибатлари таъсир доираси кенгайиши, шу билан бирга жаҳонда глобал беқарорликларнинг кучайиб бориши, капиталларнинг бир нечта минтақада жойлашиб қолиши каби бир қанча салбий оқибатларни ўрганиш ва бу жараёнларни юмшатиш бўйича механизмларни ишлаб чиқиш ва илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш, инновацион ишлаб чиқаришга асосланган саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, республика ҳукумати ушбу мақсадларга эришиш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг муҳимлигига эътибор қаратмоқда. Хусусан, «Ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳати иқтисодий тизимни эркинлаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳисобланади»[2]. Молиявий-иқтисодий

---

[1] Доклад о мировых инвестициях 2017 года, основные тенденции и общий обзор. UNCTAD/WIR/2017 (Overview)

[2] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016

инқирозларнинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш тадқиқотларнинг етарлича олиб борилмаганлиги ҳамда мамлакатимизга инқирозларда капитал оқими ва инвестицияларни жалб этишда тез суръатларда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилмаганлиги ва янги механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг халқаро амалиётини таҳлил қилиш ва уни республикамизда қўллаш юзасидан илмий методологиясининг етишмаслиги, мазкур масалалар илмий ўрганилмаганлиги каби муаммолар мавжудлиги, мамлакатимизга капитал оқими ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида алоҳида белгилаб берилди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 декабрдаги ПҚ-3439-сонли «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инқирозларнинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолашнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолари А.Маршалл, А.Смит, Г.Марковиц, Ж.Тобин, У.Шарп, Ж.Линтер, Я.Мосин, Ж.В.Дуглас, М.Е.Блюм, Ф.Блэк, М.Женсен, М.Скоулз, Ж.Макбет, С.Басу, Р.Бенз, Д.Стантман, Б.Розенберг, Р.Мертон, С.Росс, Ж.Кэмпбелл, Э.Фама, К.Френч, Т.Ассефа, О.Эскида, А.Моллик, М.Вебер, Е.Шумпетер, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Камбел, А.Шапкин, А.Селиванов,

---

йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

А.Акимова ва бошқаларнинг[3] илмий асарларида инвестициялар ва уларни баҳолаш, хорижий инвестиция фаолияти билан боғлиқ муносабатларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ўрганилган. Хусусан, У.Шарп капитал оқимини баҳолаш моделида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни капитал ҳажмидаги улуши катталигини исботлаган, инқирозларнинг капитал оқимига таъсирини ўрганган ва уларни баҳолаш механизмини янада такомиллаштирган.

Инқирозларнинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолашнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар И.Искандаров, С.Гулямов, А.Бекмуродов, А.Ваҳобов, Н.Ҳайдаров, Н.Каримов, Ш.Мустафакулов, У.Бурханов, Х.Амонов, А.Рафиев, Г.Умарова, Ш.Ражаббоев, А.Собиров, Д.Ғозибеков, А.Хикматов, Р.Мухитдинов, Э.Махмудов, А.Абдуганиев, У.Надирханова, А.Турдиев, Н.Юсупова, Ш.Юлдашеванинг[4] илмий изланишларида инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий-методологик муаммолари атрофлича ўрганилган.

Жумладан, Н.Ғ.Каримов хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиёти ва тармоқларига жалб этишни ўрганишга қаратилган бир қанча илмий изланишларида инвестицияларни жалб этиш ва уларни баҳолаш назариясига тўхталиб, жаҳонда хорижий инвестицияларни баҳолаш амалиётда А.Маршалл назарияси билан У.Шарп назариясининг ижобий томонларини эътироф этади. Мазкур илмий изланишларда, айнан, молиявий инқироз шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу жараёнларни такомиллаштириш борасидаги масалалар,

---

[3] Marshall.A. (1937). Liquidity Preference as Behaviour Towards Risk. The Review of Economic Studies, Vol.25, No.2, pp.65-86; Sharpe, W. F. (1964). Capital asset prices: A theory of market equilibrium under conditions of risk. Journal of Finance, Vol.19, No.3, pp. 425–442; Lintner, J. (1965). The Valuation of risk assets and the selection of risky investments in stock portfolios and capital budgets. The Review of Economics and Statistic, Vol.47, No.1, pp.13-37; Mossin. J (1966). Equilibrium in a Capital Asset Market, Vol.34, No 4, pp.768-783; Douglas, G.W. (1969), “Risk in the Equity Markets: An Empirical Appraisal of Market Efficiency”, Yale Economic Essays, Vol.9, No.1, pp 3-45; Blume, M.E., (1970). Portfolio theory: A step toward its practical application. Journal of Business, Vol. 43, No.1, pp. 152-173; Black, F., Jensen, M., and Scholes, M. (1972) The Capital Asset Pricing Model: Some empirical tests. Studies in the Theory of Capital Markets. Ed. New York: Praeger Publishers; Fama, E.F. and MacBeth, J.D. (1973) ‘Risk, return and equilibrium: empirical tests’, The Journal of Political Economy, Vol. 81, No.3, pp. 607–636; Basu, S. (1977). Investment Performance of Common Stocks in Relation to their Price–Earnings Ratios: A Test of the Efficient Market Hypothesis, Journal of Finance, Vol.32, No.1, pp. 663–682; Banz, R. W. (1981). The Relationship between Return and Market Value of . Common Stock, Journal of Financial Economics, Vol.9, No.1, pp. 3–18; Stattman, D. (1980) Book Values and Stock Returns, The Chicago MBA: A Journal of Selected papers, Vol. 4, No.1, pp.25–45; Rosenberg, B., Reid, K. and Lanstein, R. (1985) Persuasive evidence of market inefficiency, Journal of Portfolio Management, Vol. 11, No. 3, pp.9–17; Robert C. Merton (1973). An Intertemporal Capital Asset Pricing Model. Econometrica, Vol. 41, No. 5, pp. 867-887; Ross, Stephen A., (1976). “The arbitrage theory of capital asset pricing”, Journal of Economic Theory Vol.13, No.3, pp. 341-360; Campbell, John Y. 1993. Intertemporal asset pricing without consumption data. American Economic Review 83(3): pp. 487-512; Fama, E., & French, K. (1993). “Common risk factors in the returns on stocks and bonds. Journal of Financial Economics”, Vol.33, No.1, 3-56 ;Assefa. T.A, Esqueda.A.O, Mollick.A.V (2017). Stock returns and interest rates around the World: A panel data approach. Journal of Economics and Business, Vol.89, No.1, pp.20-35

[4] Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари Автореферат, Т,- 2007, 1-40-бет., Каримов Н.Ғ, Хожиматов. Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –/Т.: ТДИУ, 2011, 771-787-бет; Қурбонов Х.А. Корпоративные финансы; Тошкент Иқтисод-молия; 2007, 184-бет.; Бурхонов У.А. Investment valuation in emerging markets: opportunties & specific factors //Иқтисодиѐт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 7, 2013 1-9-бет.

сўнги йилларда инвестицияларни амалга оширишда юз берган услубий ўзгаришлар бўйича халқаро тажриба чуқур тадқиқ этилмаган.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш жоизки, давом этаётган халқаро молиявий инқироз шароитида тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларга, хусусан, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар иқтисодиётига инвестиция оқимларининг ошиши кузатилмоқда. Бу ҳолат бир томондан, халқаро даражада глобаллашув, ривожланган давлатлар иқтисодиётидаги салбий ҳолатлар натижасида инвесторларнинг ривожланётган бозорлардан кўпроқ даромад излаши билан изоҳланса, иккинчи томондан, юқоридаги мамлакатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш билан боғлиқ ҳукумат тадбирларининг натижаси ҳамдир.

Республикамизда юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари, халқаро даражада капитал ва инвестицияларни жалб этиш учун рақобатнинг кескинлашуви каби ҳолатлар, Хитой, Ҳиндистон, каби мамлакатларнинг инвестицияларни жалб этиш бўйича халқаро тажрибаларини чуқур ўрганишни ва уни республикамиз учун қўллаш юзасидан илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарди ҳамда мазкур тадқиқот мавзуси танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот иши мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

халқаро инвестициялар ва капитал оқимининг шаклланиш босқичларини асослаш;

хорижий инвестицияларга таъсир этувчи халқаро омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш;

тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда хорижий инвестициялар учун шакллантирилган инвестиция муҳитини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштиришда тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасининг ўзлаштирилиши юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий капитални жалб этишнинг устувор йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётидаги капитал ҳаракати ва инвестициялар оқими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсири натижасида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг меъёрий даражасини таъминлаш орқали ҳудудларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси, товарлар экспортидаги тўловлар ставкаси ва ички бозордаги нархлар даражасига таъсир кўрсатиш орқали экспорт тушумлари ҳажми ва барқарорлигини таъминлаш тавсия этилган;

миллий валютанинг номинал алмашув курси ва нархлар барқарорлиги, банкларнинг тўловга қобиллиги ҳамда жамғарма ва истеъмол ўртасидаги барқарор нисбатни таъминлаш йўллари орқали хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш кўламини кенгайтириш асосланган;

халқаро банк амалиётида давлат қарзи ҳамда барқарор инвестиция ҳажмининг умумэътироф этилган меъёрий даражаларини муҳим макроиқтисодий нисбатларга эришиш орқали таъминлаш бўйича таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ривожланган мамлакатларда глобал молиявий инқироз инвестициялар оқими, ЯИМ, ялпи миллий жамғариш ва ялпи капитал жамғаришга таъсир доираси баҳоланган;

Ўзбекистон Республикасида хорижий капитални жалб этишнинг устувор йўналишлари халқаро капитал оқими трендларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган;

Ўзбекистонга инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, йирик хориж банкларининг расмий сайтлари ва Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция давлат қўмитаси статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда вазирлик ва қўмитанинг амалиётига татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация доирасида шакллантирилган ишланмалардан мамлакатимизга капитал оқими ва инвестицияларни жалб этиш назариясини ривожлантириш ва мазмунан

бойитиш, унинг услубий асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига капитал оқими ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция дастурларига таклифлар бериш билан бирга олий ўқув юртларида янги дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларни яратиш, шунингдек, олиб чиқилган муҳим назарий ва услубий муаммолар бўйича келгусида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар мамлакатга капитал оқими ва инвестицияларни жалб этиш жараёнларини такомиллаштиришда қўлланилган. Жумладан:

инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг меъёрий даражасини (минимум 25 %) таъминлаш орқали ҳудудларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан 2017 йилга мўлжалланган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (2018 йил 2 ноябрдаги ДИ-01/03-3-001-сон маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2018 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида республикамиз ҳудудларида асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажми ўсишига эришилган;

сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курси ошишига йўл қўймаслик, товарларни темир йўл орқали экспорт қилишда транзит учун олинадиган тўловлар ставкасини камайтиришга эришиш ва ички бозорда нархлар ошишига йўл қўймаслик орқали экспорт тушумлари ҳажми ва барқарорлигини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан «Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги низомнинг 13, 16 ва 24-бандларини амалга оширишда фойдаланилган (2018 йил 2 ноябрдаги ДИ-01/03-3-001-сон маълумотнома). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий экспорт тушуми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 31,0 фоизга ошди;

миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлаш, баҳолар барқарорлигига эришиш, мамлакат тижорат банкларининг тўловга қобиллигини ошириш ҳамда жамғарма ва истеъмол ўртасидаги барқарор нисбатни таъминлаш йўли билан хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш кўламини кенгайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини таъминлаш тўғрисида»ги низомнинг 37, 41, 43-бандларини амалга оширишда фойдаланилган (2018 йил 2 ноябрдаги ДИ-01/03-3-001-сон маълумотнома). Мазкур таклифнинг

амалиётга татбиқи натижасида 2017 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми ўсишига эришилган;

давлат ички ва ташқи қарзининг халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий даражасини (ЯИМга нисбатан 60%) таъминлаган ҳолда инвестиция меъёрининг барқарор даражасини таъминлаш мақсадида жамғарма ва истеъмол ўртасидаги барқарор нисбатни таъминлаш ва инвестицияларнинг ўсиш суръати билан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан «Ташқи иқтисодий фаолият департаменти тўғрисида»ги низомнинг 3.1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (2018 йил 2 ноябрдаги ДИ-01/03-3-001-сон маълумотнома). Бу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2017 йилда республикамизда инвестиция меъёрининг юқори ва барқарор даражаси таъминланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот ишининг натижалари 17 та, жумладан, 13 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан миллий журналларда 10 та ва хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза ва тезис, 2 та хорижий конференцияда тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Халқаро молия бозорлари ва капитал оқимининг ривожланиш асослари»** деб номланган биринчи бобида ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда халқаро молия бозорлари ва капитал оқимини тартибга солиш ва такомиллаштириш борасида чуқур илмий-назарий, услубий ва амалий тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Олиб борилган тадқиқотларда мазкур мамлакатларнинг халқаро молия бозоридаги капиталлар оқими ва инвестицияларни тартибга солишнинг илғор тажрибаси асосида капиталлар оқимини йирик

инвестицияларга йўналтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот жараёнида етакчи хорижий ва маҳаллий олимларининг илмий ишларини ўрганиш асосида «Капитал оқими ва молиялаштириш» тушунчасига муллифлик таърифи берилган:

Фикримизча, «Халқаро молиялаштириш» атамасига қуйидагича илмий таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, «Халқаро молиялаштириш глобал иқтисодиётнинг амал қилиш шакли бўлиб, у халқаро молия келишувлари, хусусан капитал бўйича битимларнинг халқаро муносабатлар умумий тузилмасидаги устунлиги ва иқтисодиёт реал секторининг молиявий секторга бевосита боғлиқлигидаги молиявий муносабатлар йиғиндисидир».

Таъкидлаш жоизки, капиталнинг халқаро ҳаракати турли мамлакатларнинг субъектлари халқаро иқтисодий фаолияти билан ривожланади. Капиталнинг халқаро оқими натижасида жаҳон минтақалари ва мамлакатлари иқтисодиётида хорижий инвестициялар ҳажмларининг ривожланиш тенденциялари юзага келади.

Халқаро тажрибадан маълумки, хорижий инвестициялар орқали молиялаштиришнинг қатор афзалликлари мавжуд. Иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакат хорижий инвестицияни жалб этиш ва ундан бевосита ёки билвосита самара олишга ҳаракат қилади.

П.Волкер тадқиқотига кўра, бозор барқарор мувозанатда бўлиши мураккаб бўлиб, ўзгарувчанликнинг ортиши туфайли молиявий инқирозлар юзага келиш эҳтимоли мавжуд. К.Дилнотнинг фикрига кўра, замонавий молия тизимининг якуни молиявий пуфаклар, «пирамидалар», йирик банкротликлар, молиявий инқирозлар, унга ишончнинг йўқолиши каби ҳолатлар билан изоҳланади. Т.Пели назариялари реал тузилмалар ва молиявий инқирозга олиб келган жараёнларни оқлайди, деб ҳисоблайди[5].

Фикримизча, бугунги кунда 2007-2009 йиллардаги глобал инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида жаҳон молия бозори иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланувчи янги глобал институционал механизмларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни фаоллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан, молия бозорларини тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида вазифаларни бундай тақсимлаш миллий ва минтақавий даражада молия тизимлари ҳолатини кенг қамровли тарзда баҳолаш имконини беради. Бу эса, истиқболда глобал молиявий барқарорликни таъминлаш учун ягона мониторинг тизимини ишлаб чиқиш натижасида инқирозларга қарши бошқарув самарадорлигини оширади.

Диссертациянинг **«Халқаро молиявий инқироз ва унинг глобал бозорларга таъсири»** деб номланган иккинчи бобида ривожланган давлатларда иқтисодий ва молиявий мураккабликлар чуқурлашиб, макроиқтисодий мувозанат бузилган ҳамда айрим ҳолларда турли даражадаги инқирозларнинг ривожланиш тенденциялари ўрганилган. Ўз

[5] Ольсевич Ю. Я. Методологические основы современных теорий финансовых рынков. – С. 63-75.

навбатида, муаммолар ва инқирозларга қарши тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бир-неча йиллар давомида муаммоларнинг ечими топилган. Шундай бўлса-да, глобал инқирознинг келиб чиқишига сўнгги ўн беш йилда жаҳон мамлакатлари глобаллашуви чуқурлашиши оқибатида банк-молия тизимида тартибга солиш механизмлари самарадорлиги сусайиши каби омиллар таъсир кўрсатган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, инқироздан кейинги даврда хорижий мамлакатларда капиталлар ҳажми асосан Хитой, АҚШ ва Японияда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Таъкидлаш лозимки, инқироздан кейинги даврда капиталлар ҳажми асосан Хитойда шиддат билан ўсган. Сўнгра АҚШда ушбу кўрсаткич бироз ўсиш тенденциясига эга бўлган. Японияда капиталлар ҳажми сезиларсиз бўлса-да, асосан 2016 йилдан бошлаб ўса бошлаган. Қолган барча давлатларда капитал ҳажми ўзгармай қолган (1-расм).



1-расм. Жаҳон мамлакатларининг муомаладаги капитал ҳажми, трлн. АҚШ долларида[6]

Ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган молия бозорларига бўлган молиявий оқимлар глобал иқтисодий интеграциянинг чуқурлашувига олиб келади. Хорижий инвестициялар бир қатор мамлакатлар ишлаб чиқаришида истеъмол ва капитал инвестицияларнинг ошишига ёрдам беради.

Бироқ мамлакат хорижий капиталининг маҳаллий молия бозорига киритилиши натижасида бир қатор афзалликларга эришилган. Шу билан бирга, капиталнинг кўпайиши, ички молия бозорининг ривожланмаганлиги натижасида иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари кескинлашиши билан боғлиқ муаммолар вужудга келди. Шунинг учун капитални кенгайтириш даврида

[6] Расм Жаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

макроиқтисодий номутаносибликнинг шаклланишига йўл қўймаслик учун пул-кредит муассасаларида макропруденциал иқтисодий сиёсат олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Халқаро молия оқимларини тартибга солишнинг давлат сиёсатини шакллантиришда валюта ва маъмурий чекловларни спекулятив капитал оқимига қўллаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Молиявий тизимнинг беқарорлиги шароитида халқаро молия оқимлари миллий молия бозоридаги инқирозни кескинлаштирувчи омил ҳисобланади. Шу боисдан, хорижий капитал ҳажмини ошириш даврида давлат томонидан тартибга солиш ва капиталнинг эркин ҳаракатланиши ўртасидаги мувозанат топиш керак.

Қайд этиш лозимки, Марказий Осиё давлатлари, Қозоғистон ва Ўзбекистонда фонд бозорлари ва реал секторларнинг бирмунча ривожланганлиги сабабли харакатдаги капитал ҳажмининг ЯИМдаги улуши Қирғизистон ва Тожикистонга нисбатан юқори ҳисобланади. Бу эса Қозоғистон ва Ўзбекистон иқтисодиётини Қирғизистон ва Тожикистон иқтисодиётига нисбатан жадал суръатлар билан ривожлантириш имконияти нисбатан катта эканлигидан далолат беради.



2-расм. Марказий Осиё мамлакатларининг муомаладаги капитал ҳажми, млрд. АҚШ долларида[7]

Марказий Осиё давлатларида муомаладаги капитал ҳажми бўйича ҳам Қозоғистон биринчи ва Ўзбекистон иккинчи ўринда эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Қозоғистонда муомаладаги капитал ҳажми 2012-2014 йиллар давомида ЯИМнинг ўртача 55 фоизидан юқори бўлган бўлса, 2016 йилда 37,2 фоизгача камайган. Мазкур кўрсаткич Ўзбекистонда ЯИМга

[7] Расм Жаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

нисбатан 2006 йилдаги 3,3 фоиздан 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 16,7 фоизга етди.

Фикримизча, валюта чекловларининг мавжуд эмаслиги бошқа ривожланаётган бозорларга нисбатан рақобат устунлигини акс эттиради. Чунки у Ўзбекистонга нисбатан қисқа муддатда хорижий капитални жалб этиш имконини беради. Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда ривожланаётган бозорларда назарий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган молиявий капитал оқимини назорат қилиш учун қуйидаги имкониятларни ажратиш мумкин:

корпоратив секторнинг ташқи қарзларини тўғридан-тўғри чеклаш. Ушбу усул муваффақиятли ривожланаётган бозорларда Малайзия синовдан самарали ўтказилди. Бироқ ушбу чекловга риоя этмаслик ва жалб этилган маблағларнинг ҳақиқий қийматини яшириш имконини берувчи махсус мақсадли фирмалар ёки бошқа схемалар яратиш йўли билан уни четлаб ўтиш салбий жиҳат ҳисобланади.

Ушбу воситадан фойдаланиш миллий банк тизимининг ривожланиш долзарблигини сезиларлича камайтириши, шунингдек, қабул қилувчи давлат миллий валютасининг конвертациясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фикримизча, ушбу воситадан фақат фавқулодда ҳолатларда фойдаланиш мумкин, биринчи навбатда бозорга йўналтирилган назорат механизмларига устунлик бериш керак.

Кредит капиталининг ҳаддан ташқари оқимини чеклаш ва ташқи қарзларни кўпайтириш бўйича валюта аралашувларини амалга ошириш. Капитал ҳажмини ошириш даврида мамлакатимизда миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратилмоқда. Банклар ва компаниялар учун корпоратив ташқи қарздорлик ҳажмини тезда ошириш фойдали, чунки курснинг кўтарилиши билан у янада арзонроқ ва қулайроқ бўлади.

Ривожланаётган бозорларда қўлланиладиган энг кенг тарқалган чора – валюта аралашувини амалга ошириш орқали миллий валютанинг номинал айирбошлаш курси ошишининг олдини олиш сиёсатидир. Гарчи ташқи қарзларнинг ўсишини чеклаш ҳар доим ҳам асосий мақсад эмас, балки экспортларга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш ва валюта захираларини тўплаш учун жуда кўп қўлланилган бўлса-да, 2000 йилдан сўнг инқирозгача бўлган даврда мазкур сиёсат Ғарб мамлакатлари капиталини фаол равишда кўпайтириш баробарида Осиё мамлакатларида Хитой, Индонезия, Ҳиндистон, Малайзияда амалга оширилган.

Валюта аралашувини амалга оширишда бозорда ортиқча капитални стерилизация қилиш механизмини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, марказий бозордаги фаол операциялар очиқ бозорда юқори фоиз ставкаларини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ўз навбатида, мамлакатга қўшимча капитал оқимларини жалб этишга ёрдам беради.

Айтиш лозимки, бюджет профицити шароитида давлат қимматли қоғозлари етишмаслиги кузатилди ва марказий банк ўзи сотиб олган хорижий активларнинг рентабеллигини сезиларли даражада ошириб, фоиз

ставкалари бўйича мажбуриятлар чиқарилишини тақозо этди. Бундан ташқари, стерилизациялаш шароитида банк кредитлари ва инвестицияларни жалб этишда реал секторнинг давлат субъектлари билан рақобатлашиши мураккаблиги натижасида салбий таъсир пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун стерилизация амалиётларидан фойдаланиш самарадорлиги чекланган ва монетар сиёсат субъектлари капитал оқимларини чеклаш учун қуйидаги пул-кредит чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мажбурий захиралаш меъёрини тартибга солиш. Бу оддий, кенг тарқалган восита ҳисобланади, лекин уни қўллаш банк тизимининг ривожланишидаги фикрлар билан чегараланади. Ушбу чора-тадбирлар банк тизимидаги «солиқ» тури бўлиб, унинг ўсиши кичик ва ўрта банкларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ушбу воситани қўллаш сармоялар оқимини тартибга солувчи фискал чоралар билан уйғунлаштирилган бўлиши керак.

Банкларнинг норезидентлар мажбуриятлари бўйича мажбуриятларга капиталлашув стандартларини киритиш. Ушбу чора-тадбирларнинг асосий мақсади тижорат банкларининг ташқи қарзларини ўз маблағлари миқдори билан боғлашдир. Таъкидлаш жоизки, қарз мажбуриятларига капитализация ставкасини жорий этиш лозим, бу эса, банк тизими капиталлашувини оширишга имконият яратиб беради. Кредитлаш жараёни жадаллашуви ва хўжалик субъектларининг кредитлар бўйича спекулятив талаби юзага келган шароитда банклар хорижий сармоялар ҳисобига кредитлашнинг жорий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун ўз капиталини кўпайтиради.

Марказий банкнинг депозит ставкаларини ошириш. Ушбу восита катта бозор операцияларига ўхшаш ҳисобланади. Бироқ бу воситадан фойдаланиш депозит ставкалари эркин конвертация қилинадиган давлат облигациялари бўйича фоиз ставкаларига тенг бўлмаганда самарали бўлади. Ушбу чегарадан ошиб кетиш молиявий бозорда спекулятив капиталнинг қўшимча оқими юзага келишига шароит яратади.

Валюта алмашинувидан фойдаланиш. Ушбу воситани қўллашда Марказий банк жорий курс бўйича операцияларни амалга оширади ва бир вақтнинг ўзида олдиндан аниқланган тез суръатда ундан фойдаланиш мажбуриятини олади. Ушбу механизмдан фойдаланиш Марказий банкка ортиқча ликвидликни келажакка «қайта тақсимлаш» имконини беради.

Ташқи қарз олиш учун депозит талабларини жорий этиш. Ушбу талабнинг моҳияти қарздорнинг марказий банкдаги муайян ҳисоб бўйича хориж валютасида жалб этилган маблағлари бир қисмини бир муддат «музлатиш» мажбуриятидир. Ушбу чора ташқи қарз олиш учун солиқ тури ҳисобланади. Ушбу механизмни қўллаш Лотин Америкаси: Чили ва Колумбияда муваффақиятли ўтди. Бироқ тадқиқот натижаларига кўра, ушбу чоралар хориждан пул маблағларини жалб этиш имконияти чекланган ўрта ва кичик компания, банкларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, республика марказий банкида маблағларни фоизсиз сарфлаш талабини жорий этиш, қабул қилувчи мамлакат миллий

валютасининг конвертациясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фикримизча, мамлакатда валюта қонунчилиги тўлиқ либераллаштирилди ва капитал ҳаракатига чекловлар бекор қилинди. Бу мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ иқтисодий ислоҳотлар даврида капитал ҳаракатига чекловлар қўлланувчи мамлакатда бу чора-тадбирларни жорий этиш, фикримизча, янада мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ривожланаётган бозорларда назоратнинг ижобий тажрибасига асосланиб, инқироздан кейинги даврда катта миқдорда пул оқими бўлган тақдирда, Ўзбекистон молия бозорида спекулятив капитал оқимини назорат қилиш чораларини қўллаш мумкинлигига ишонамиз.

Умуман, сармоянинг эркин ҳаракатланиши ва эркин ўзгарувчан алмашув курси режимига эга мамлакат учун, фикримизча, мажбурий захираларга қўйилувчи талабларни табақалаштириш механизмидан фойдаланиш, банкларнинг очиқ валюта позициясининг максимал миқдорига чекловлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонга халқаро капитал ва хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар тажрибаларини қўллаш илмий ўрганилган. Жаҳон иқтисодий тажрибасидан маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш борасида қарор қабул қилишда умумий мезонлардан бири макродаражада инвестицион муҳит ва инвестиция киритилаётган объектнинг инвестицион жозибадорлигини оқилона ҳамда ҳар томонлама мукаммал баҳолаш ҳисобланади. Тадқиқотда эса бу борадаги илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертацион тадқиқот кўрсатадики, жаҳон иқтисодиётида «молиявий етишмовчиликдан» халос бўлишга интилиш, иқтисодиётнинг илғор тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш мамлакат учун хорижий сармояни изчил жалб этишни талаб этади. Буни, айниқса, ривожланаётган давлатлар орқали кўриш мумкин. Ҳозирги кунда ривожланган, хусусан, АҚШ, Япония, Германия ва Франция каби мамлакатлар энг йирик инвесторлар ҳисобланади. Улар ўз сармояларини истиқболли давлатларга киритиб уларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмокда. Бошқача айтганда, хориж сармоясини жалб этиш иқтисодий ривожланишнинг энг мухим омили сифатида намоён бўлмокда.

1. Инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг меъёрий даражасини (мин 25%) таъминлаш орқали ҳудудларда асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Илғор хорижий тажрибалардан маълум бўлдики, асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 25 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш лозим. Бу эса асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш орқали инвестиция меъёрининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Инвестиция меъёри билан

ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасида узвий алоқадорликнинг мавжудлиги эса халқаро амалиётда исботланган.

Асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш инвестиция меъёри барқарорлигини таъминлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги даврда республикамизнинг бир қатор ҳудудларида инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг меъёрий даражаси таъминланмаган. 2017 йил якунига кўра, асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши Фарғона вилоятида 16,7 фоизни, Самарқанд вилоятида 21,8 фоизни, Сирдарё вилоятида 23,5 фоизни, Тошкент вилоятида 23,6 фоизни ташкил этди[8].

Ўз навбатида, инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг меъёрий даражаси таъминланмаганлиги ҳудудларда инвестиция фаоллиги пасайишига олиб келган. 2017 йилда республикамиз ҳудудлари бўйича инвестиция меъёри 2016 йилга нисбатан 3,4 фоизли пунктга пасайди. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

республикамизда миллий валютани хорижий валюталарга эркин айирбошлашнинг 2017 йилга сентябрь ойига қадар ҳал қилинмаганлиги (конвертация муаммоси);

инфляция даражасининг юқори эканлиги;

миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлганлиги.



3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан йиллик қадрсизланиш суръати[9], фоизда

[8] Расмий статистика. www.stat.uz сайти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

[9] Расм муаллиф томонидан www/cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари асосида шакллантирилган.

3.1-расм маълумотларига кўра, 2017 йилда инфляция даражаси ўтган даврларга нисбатан кескин ошган. Бу эса ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятига салбий таъсирни юзага келтиради.

Миллий валюта муомалага киритилган вақтдаги (1994 йил июль) илк валюта савдосида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 7,00 сўмни ташкил этган эди. 2018 йилнинг октябрь ойига келиб, унинг курси 8200,00 сўмдан ошди. Шунингдек, 2005-2017 йилларда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлган. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлиши импортнинг қимматлашишига олиб келди. Натижада ҳудудлар иқтисодиётининг ўсишига салбий таъсир юзага келди. Масалан, 2017 йилда инфляция даражаси Россияда 2,5 фоизни, Қозоғистонда 7,1 фоизни ташкил этди[10].

2. Сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курси ошишига йўл қўймаслик, товарларни темир йўл орқали экспорт қилишда транзит учун тўловлар ставкасини камайтиришга эришиш, натижада ички бозорда нархларнинг ошишига йўл қўймаслик орқали экспорт тушумларининг ҳажми ва барқарорлигини таъминлаш зарур.

2017-2018 йилларда сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар миллий валюта курсларига нисбатан реал алмашув курси ошганлиги кузатилди. Бунинг натижасида республикамиздан ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарларнинг қимматлашиш тенденцияси кузатилмоқда.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида миллий валютамизнинг Россия рубли, Қозоғистон тенгеси ва Туркия лирасига нисбатан реал алмашув курсининг ошиши юз берди. Бу эса, мазкур даврда асосий ташқи савдо ҳамкорларимиз бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарини девальвация суръатлари юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Мазкур даврда миллий валюталарнинг девальвация суръати қуйидагича бўлди:

Россия рубли – 23 %;

Қозоғистон тенгеси – 19 %;

Туркия лираси – 67 %[11].

2017 йилда асосий ташқи савдо ҳамкорларимиз бўлган мамлакатларнинг ҳиссасига Ўзбекистон экспортининг 45 фоиздан ортиқ қисми тўғри келди:

Хитой – 16,1 %;

Россия – 15,1 %;

Қозоғистон – 7,7 %;

Туркия – 6,3 %[12].

Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинадиган товарларни темир йўл транспортида ташишда тариф преференцияларини Туркманистон, Эрон,

---

[10] www.cbr.ru ва www.nationalbank.kz сайтлари маълумотлари.

[11] www.imf.org Халқаро валюта фонди сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

[12] Ташқи савдо айланмаси. www.cbu.uz.

Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон ва Россия давлатларидан олиш масаласи ҳал қилинмаган. Ҳолбуки, республикамиздан Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига экспорт қилинадиган товарларнинг асосий қисми Эроннинг Бандар-Аббос порти орқали амалга оширилади. Бандар-Аббос портига эса Туркманистон орқали борилади.

Шунингдек, Озарбайжон ва Грузиянинг Ильичевск, Поти ва Батуми портлари орқали Ўрта Ер денгизидаги Мерсин портига чиқиш имконияти мавжуд. Бу борада Россия ва Қозоғистон мамлакатлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали Болтиқбўйи, Узоқ Шарқ ва Қора денгиз портларига чиқиш имкониятига эга бўламиз.

3. Миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлаш, баҳолар барқарорлигига эришиш, мамлакат тижорат банкларининг тўловга қобиллигини ошириш ҳамда жамғарма ва истеъмол ўртасидаги барқарор нисбатни таъминлаш йўли билан хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш кўламини ошириш таклифи.

Эътироф этиш жоизки, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, республикамизда валюта алмашинув курслари шклланишининг бозор механизмлари жорий этилганлги 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 1 % доирасида тебранишига сабаб бўлди[13].

Шунингдек, хизматлар нархлари ва тарифларининг ўсиш суръатлари 2017 йилнинг IV чорагида, II ва III чоракларга нисбатан пасайиб, 1,5 фоизни ташкил этди[14].

4. Давлат ички ва ташқи қарзининг халқаро тажрибада умумэътироф этилган меъёрий даражасига эришиш, инвестиция меъёрининг барқарорлигига эришиш мақсадида жамғарма ва истеъмол ўзаро барқарор нисбатни таъминлаш. Натижада, инвестицияларнинг ўсиш суръати билан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга эришилади.

Давлатнинг ташқи қарзи даражасига нисбатан Маастрихт шартномасида ўз аксини топган меъёрий талаб (60 %) ҳозирги даврда халқаро миқёсда умумэътироф этилган мезонга айланди.

Ўз навбатида, мазкур меъёрий талабнинг бажарилишини таъминлаш давлат қарзининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига нисбатан юзага келувчи салбий таъсирининг олдини олиш имконини бериб, инвестиция меъёрига ижобий таъсир кўрсатади.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи 15776,4 млн. АҚШ долларини ташқил этди ва ушбу қарзнинг 48,2 фоизини давлатнинг ташқи қарзи ташкил этди[15].

---

[13] Пул-кредит сиёсати соҳасида 2017 йилнинг IV чорагида амалга оширилган ишлар. www.cbu.uz.

[14] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Истеъмол баҳолари индекси. www.stat.uz.

[15] 2018 йилнинг I ярим йиллиги учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Тошкент, 2018. – 19-б.

Республикамизда давлат ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, 24,1 фоизни ташкил этди. Бу эса, халқаро амалиётда умумэътироф этилган меъёрий даражадан (30 %) анча пастдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида давлатнинг ички қарзи муаммоси мавжуд эмас. Бу эса, давлат қимматли қоғозларини эмиссия қилишнинг 2013 йил 1 январидан бошлаб тўхтатилганлиги билан изоҳланади.

2017 йилда истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатнинг барқарорлигига эришилганлиги ҳамда инвестицияларнинг ўсиш суръати билан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги инвестиция меъёрининг юқори даражасини таъминлаш имконини берди.

2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 5,3 фоизни ташкил этгани ҳолда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 7,1 фоизга ўсди[16].

Муаллиф томонидан таклиф этилган эконометрик модель тузилиш жиҳатидан Жаҳон Банки ва Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ҳамда Гарвард бизнес мактаби профессорлари томонидан қўлланилган усул ва назарий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда яратилди. Таҳлилда жаҳоннинг турли ривожланганлик даражаси ва географик ҳудудга эга 16 та мамлакат, хусусан, Озарбайжон, Хитой, Франция, Германия, Греция, Ҳиндистон, Япония, Қозоғистон, Корея Республикаси, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Украина, Буюк Британия, АҚШ ва Ўзбекистон учун тузилган 1995-2016 йиллар панель маълумотлари қўлланилди. Муаллиф томонидан яратилган эконометрик моделнинг математик ифодаси қуйидагича бўлиб, умумлашган моментлар усули (GMM)га асосланган.

$$GCF_{it} = \alpha GCF_{it-1} + \beta_1 CRS_{it} + \beta_2 GDP_{it} + \beta_3 GDS_{it} + \beta_4 INV_{it} + \beta_5 INF_{it} + \eta_i + \varepsilon_{it}$$

Бу ерда; INV – инвестиция ҳажми, GDP – ялпи ички маҳсулот ҳажми, GDS – ялпи миллий жамғариш, GSF – иқтисодиётда капитал жамғарилиш ҳажми, INF – инфляция даражаси. Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, CRS – ёрдамчи ўзгарувчи (*инг. dummy variable*) бўлиб, аниқ миқдорий ўлчови бўлмаган кўрсаткичлардан эконометрик таҳлилда қўллаш учун фойдаланилади. Ёрдамчи ўзгарувчи фақат 0 ёки 1 қийматга тенг бўлиб, мазкур моделда унинг қиймати инқироз юзага келган даврлар (2008-2011) учун 1, инқироздан олдинги (1995-2007) ва кейинги даврлар (2012-2016) учун 0 га тенг.

Дастлаб, танланган ўзгарувчиларнинг панель маълумот шаклидаги бирламчи таҳлили ўтказамиз. Тасвирий статистика ёрдамида критик қийматлар, стандарт оғиш, эҳтимоллик ва яна бошқа бирламчи таҳлил коэффициентлари кўриб чиқилди (1-жадвал).

[16] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2017 й. www.stat.uz.

Тасвирий статистикадан кўринадики, танланган ўзгарувчиларнинг бўйича тўпланган панель маълумотларидаги даврий оралиқлар нормал тақсимланган. Шунингдек, стандарт оғиш, эксцесс ҳамда Харке-Бера ва эҳтимоллик коэффициентлари таҳлилни давом эттириш мумкинлигини тасдиқлади.

1-жадвал

Тасвирий (дескриптив) статистика

	GCF	GDP	GDS	INF	INV
Ўртача	5.31E+11	2070.381	24.31821	18.74560	24.60691
Медиана	2.43E+11	559.5710	23.41450	4.037500	22.99900
Максимум	5.02E+12	18624.45	55.32300	612.4810	57.99100
Минимум	81009488	0.569000	-7.110000	-8.525000	4.386000
Стандарт оғиш	8.92E+11	3472.543	10.42381	56.92731	7.836516
Асиммет. коэф.	2.791642	2.667599	0.387269	6.572465	0.968656
